



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2026 йил 14 июль кунини Қатарнинг собиқ Амири Шайх Ҳамад бин Халифа Ол Сонийнинг вафоти муносабати билан таъзия маросимида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Доха шаҳрида Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний билан учрашди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазир Бахтиёр Саидов Ашхободга таърифи доирасида Туркменистон Республикаси Президенти Сердар Бердимухамедов билан учрашди.

Мулоқотда икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклини мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтириш ва кўп асрлик дўстлик муносабатларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

15 июлдан «Ташаббусли бюджет» жараёнининг 2026 йилги иккинчи мавсуми лойиҳа киритиш босқичи бошланди. Ташаббускор ватандошлар 3 августгача ўз лойиҳаларини Openbudget.uz порталида илгари суришлари мумкин. Жорий мавсум учун ажратилган бюджет – 2 триллион 187,7 млрд. сўмни ташкил этади.

Туркиянинг Истанбул шаҳрида Ўзбекистоннинг зиёрат туризми имкониятларини халқаро майдонда тарғиб қилишга қаратилган йирик кўргазмани тадбир бўлиб ўтди. «Зиёрат туризми: Ўзбекистон – Туркия» халқаро кўргазмаси икки мамлакат ўртасидаги туризм соҳасидаги ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Айни кунларда АҚШда хизмат сафарида бўлиб турган «Ўзсувтаъминот» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Аҳмад Сувонқулов қатор халқаро компаниялар раҳбарлари билан музокаралар ўтказмоқда. Учрашувларда тармоқни модернизация қилиш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари муҳокама қилинмоқда.

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги директори Севара Шакирова ҳамда Қатар давлати Таълим назорати бошқармаси раҳбари Фатима Ал-Рашид бошчилигидаги делегация ўртасида расмий учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот давомида таълим соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлиқни кенгайтириш, илғор ўқитиш методикаларини жорий этиш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш масалалари муҳокама қилинди.



ШУ КУНЛАРДА АНОМАЛ ИССИҚ ТУФАЙЛИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ВАҚТИНЧАЛИК ТЎХТАТИЛДИ. БУНДАЙ ФАВҚУЛОДДА ЧОРАЛАР МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БОШҚА ХУДУДЛАРИДА ҲАМ ҚўЛЛанилиши ЭҳТИМОЛИ ЙўҚ ЭМАС.

ОНАЛАРГА «ИҚЛИМ ТАЪТИЛИ» БЕРИЛАДИМИ?

Тан олиш лозим, мазкур қарор, энг аввало, ёш авлод соғлиғи ва хавфсизлигини муҳофаза қилишга қаратилган бўлиб, минглаб болажонларни жазирама иссиқ келтириб чиқарадиган турли ҳасталиклардан асрашнинг энг мақбул йўлидир. Бироқ ҳаётий тажриба шунини кўрсатмоқдаки, бир муаммага топишдан ечим ўз-ўзидан иккинчи бир ижтимоий масалани кун тартибига чиқармоқда. Боғчалар ёпилди, аммо қорхона, ташкилот ва муассасаларда иш жараёни одатдаги тартибда давом этмоқда. Бундай шароитда боғча ёшидаги фарзанди бор минглаб ишловчи оналар қандай йўл тутишлари керак: эрта-лаб ишга боришадими ёки боласини назоратсиз қолдирмаслик учун уйда қолишадими? Агар ишга чиқилмас, уларнинг иш ҳақи сақланадими? Масофавий ишлаш имконияти ҳаммага ҳам берилганми? Бу каби саволлар бугун кўпчилиқни жиддий ўйлантирмоқда.

Боғча ишламаган кезларда айрим оилаларда бола тарбияси ва назорати буви-бувалар ёки бошқа яқин қариндошлар зиммасига юкланиши мумкин. Аммо бундай имконият ҳаммада ҳам мавжуд эмас. Айниқса, фарзандини ёлғиз тарбиялаётган оналар ёки эр-хотиннинг иккаласи ҳам ишлайдиган оилаларда вазият анча мураккаб.

Тўғри, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор кафолатлар белгиланган. Масалан, агар аёлни меҳнат вазифаси компьютер технологиялари ва

интернет билан боғлиқ бўлса (журналист, бухгалтер, АТ мутахассиси, тизим оператори ва ҳоказо), у иш берувчи билан ўзаро келишган ҳолда вақтинчалик масофавий иш шаклига ўтиши мумкин. Бироқ бу имкониятдан тарбиячилар, шифокорлар, хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари ёки завод ва фабрика ишчилари фойдалана олмайдилар. Чунки уларнинг жисмоний иштирокисиз иш жараёнини тасаввур қилиб бўлмайди.

Меҳнат кодексининг 240-моддасига мувофиқ, жамоа келишувларида, жамоа шартномасида ёки бошқа ички ҳуқуқий ҳужжатларда, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса меҳнат шартномасида ҳодимга иш ҳақи қисман сақланадиган таътил бериш имконияти назарда тутилганлиги ва бундай таътилни календарь йил давомидаги энг кўп муддати белгиланиши мумкин. Ушбу таътилни бериш ва ундан фойдаланиш масаласи муайян бир ҳолатда тарафларнинг ўзаро келишувига кўра ҳал этилади.

Шунингдек, Кодекснинг 242-моддасига биноан, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ нафар болани ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган болани тарбиялаётган ота-онасининг бирига (ота-онанинг ўрнини босувчи шахсга) — ҳар йили ўн тўрт календарь кунгача, иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мажбурийдир. Бироқ бу ерда жиддий тизимли бўшлиқ бор: 240-модда иш берувчига қисман ҳақ тўланадиган таътил беришни мажбурият қилиб юкламайди, балки фақат

гина шундай имкониятни «мумкин» деб белгилайди. Ходим 242-моддадан фойдаланганда эса, таътил даврида мутлақо даромадсиз қолади.

Бундан ташқари, Меҳнат кодексининг 401-моддасида ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боланинг ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг ота-онасидан бирига (ота-она ўрнини босувчи шахсга) ҳар йили давомидаги камиди тўрт календарь кун бўлган ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилиши, таътил йиллик меҳнат таътилига қўшиб берилиши ёки иш берувчи билан келишиб белгиланадиган даврда ушбу таътидан алоҳида (тўлиқ ёхуд қисмларга бўлиб), лекин фақат тегишли иш йили давомида фойдаланилиши мумкинлиги кўрсатилган.

402-моддада ўн икки ёшга тўлмаган икки нафар ва ундан ортиқ боланинг ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг ота-онасидан бирига (ота-она ўрнини босувчи шахсга), уларнинг хоҳишига кўра, ҳар йили иш ҳақи сақланмаган ҳолда давомидаги ўн тўрт календарь кунгача бўлган таътил берилиши, ушбу таътил йиллик меҳнат таътилига қўшиб берилиши ёки иш берувчи билан келишиб белгиланадиган даврда ушбу таътидан алоҳида (тўлиқ ёхуд қисмларга бўлиб), лекин фақат жорий иш йили давомида фойдаланилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Бола парвариши ва иқлим инқирози давридаги қўшимча масъулият, одатда, айнан аёллар зиммасига тушади. Бундан ташқари, аномал иссиқ шароитида электр энергияси ва сув истеъмоли кескин ортиши сабабли оилавий харажатлар ҳам камиди икки баробарга кўпаяди. Бундай пайтда даромадсиз қолиш оила бюджетига оғир зарба бўлади.

Хўш, бунга шунчаки бир оиланинг ички муаммоси сифатида қараб, кўз юмиш мумкинми? Асло йўқ! Бойсиз, бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизларнинг меҳнат бозоридаги фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Фавқулодда иқлим шароитида болалари боғчага бора олмайдиган оналар учун аниқ ва кафолатланган ҳуқуқий механизмларнинг мавжуд эмаслиги айланмиш муқаррар. Шу боис оила фаровонлигини, меҳнат муносабатлари барқарорлигини ва болалар манфаатларини бирдек ҳимоя қиладиган янги ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш, Меҳнат кодексига алоҳида «иқлим таътили» тушунчасини киритиш ҳамда боғчалар мажбурий ёпилган давр учун давлат ёки иш берувчи ҳисобидан кафолатланган компенсация тўлаш тизимини яратиш вақти келмадимикан?

Ishonch

YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA BIRLASHAYLIK!

2026-yil,
16-iyul,
payshanba
№87
(5307)

● Gazeta 1991–yil 21–martdan chiqa boshlagan ● O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

Ўтган олти ойда Ўзбекистонга келган туристлар сони қарийб 25 фоизга ошди



ТОП 10 ДАВЛАТЛАР (ТУРИСТЛАР СОНИ БЎЙИЧА)

1. Қирғизистон –		1 875 332
2. Қозоғистон –		1 553 688
3. Тожикистон –		1 471 670
4. Россия –		585 558
5. Афғонистон –		238 925
6. Хитой –		223 479
7. Туркменистон –		164 211
8. Туркия –		95 466
9. Ҳиндистон –		26 450
10. Германия –		22 294

ЖАЗИРАМАДА ИШ ВАҚТИ ЧЕКЛЕНИШИ МУМКИН

Батафсил маълумот олиш учун Ishonch.uz га ўтинг:

«БАРСЕЛОНА» АКАДЕМИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЧИЛИШИ МУМКИН

Батафсил маълумот олиш учун Ishonch.uz га ўтинг:


Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига!



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

1211

рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



Муҳаббат ТўРАБОВЕВА
«ISHONCH»

Адолат дарахтни суғормоқ, зулм эса тиканга сув тўймоқдир.

Жалолиддин Румий

Ёзги соғломлаштириш

Ички туризм

БЕТАКРОР «АФСОНА» ТААССУРОТЛАРИ

Шаҳарнинг дим ва жазирама иссиғидан безиб, салқин тоғлар бағрида жойлашган «Афсона» болалар соғломлаштириш оромгоҳига қадам қўйишингиз биланоқ, бутунлай ўзгача бир оламга тушиб қолгандек бўласиз, кайфиятингиз кўтарилади. Серсоя чинорлар, мағрур дарахтлар, мусаффо тоғ ҳавоси ҳар қандай инсонни табиатнинг беғубор бағрига чорлайди. Бу баҳаво масканда ёзги таътил шунчаки дам олиш эмас, балки янги дўстлик кўприклари, қизиқарли машғулотлар ва бир умрга муҳрланувчи ширин хотиралар фасли ҳамдир.



ва уларни муносиб рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этипти. Албатта, бу каби тизимли ва сермазмун ташаббуслар оромгоҳни шунчаки дам олиш маскани эмас, болаларнинг интеллектуал, маънавий ва ижтимоий улғайиш марказига айлантиришга хизмат қилмоқда.

Оромгоҳнинг яна бир ўзига хос жиҳати унинг бетакрор табиий муҳитида намоён бўлади. Олти гектардан зиёд ям-яшил худуд сукунат ва осойишталик оғушида, замонавий спорт майдончалари, салқин чўмилиш ҳавзалари ҳамда яшнаб-етилиб турган мевали боғ болаларнинг энг сеvimли масканига айланган. Бу ерда болажонлар қалбида табиатга меҳр туйғусини уйғотишга алоҳида аҳамият қаратилади. Масалан, «Она табиатни асраш кўни» тадбири доирасида болалар ўз қўллари билан мевали дарахтларни парваришлайди, худудда етиштирилаётган помидор ва бодрингларни теришади, ранг-баранг гулларга сув қуйишади. Шу орқали улар табиат инъомларини қадрлашни ва она заминни севishни ўрганишади.

Пойтахтлик Анвар Миробидов ҳам ўз қувончини яширолмай, бу ерга иккинчи маротаба келганини, айниқса, бассейн ва спорт машғулотлари унга

чексиз завқ бағишлашини, орттирган янги дўстлари туфайли уйга қайтгиси ҳам келмаётганини ҳаяжон билан сўзлаб берди.

Масъулларнинг маълум қилишича, жорий йилда Тошкент вилояти бўйича стационар оромгоҳларда жами 13 минг 370 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар уларнинг қарийб 9 минг нафари мароқли ҳордиқ чиқаришга улғурди. Шунингдек, Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси томонидан ташкил этилган 145 та кундузги «Соғломлаштириш майдончаси»да ҳам 13 минг нафарга яқин ўқувчи қамраб олинди.

Нима ҳам дердик, тоғнинг шифобахш ва мусаффо ҳавоси, болаларнинг жарангдор беғубор кулгиси ва қизиқарли машғулотлар «Афсона»да ёз фаслини чин маънодаги болалик байрамга айлантирмоқда. Болажонлар оромгоҳдан кетар чоғида ўзлари билан фақат унутилмас ва ёқимли хотираларни эмас, балки янги билимлар, узилмас дўстлик ришталари ва қалбларида бир умрга муҳрланиб қолувчи ширин таассуротларни ҳам олиб қайтадилар.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши 10-12 июль кунлари ҳудуддаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 50 нафар фаол ёшлар учун Хоразм вилоятига саёҳат ташкил этди. Иштирокчилар саноатдан «Ижтимоий фаол ёшлар — кучли жамият асоси» шиори остида ўтказилган «Заковат» интеллектуал ўйини ғолиблари ҳам жой олишди.

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Уч кунлик сафар давомида йигит-қизлар Хоразм вилоятидаги қадимий ва бетакрор тарихий обидалар билан яқиндан танишди. Уларда, айниқса, Ичан-қалъа давлат музей-кўриқхонаси, Муҳаммад Аминхон мадрасаси, Калта Минор, Тошхўли саройи каби ноёб меъморий ёдгорликлар катта таассурот қолдирди.

Энг муҳими, қизиқарли экскурсиялар, маънавий-маърифий учрашувлар ҳамда маданий дам олиш тадбирлари ёшларнинг вақтлари мазмунли ўтишига хизмат қилди.

Саёҳат иштирокчилари завқли дамларни тақдир этгани учун вилоят кенгашига миннатдорлик билдириб, бундай ташаббуслар ёшларнинг дунёқарашини кенгайтиришда, юртимиз тарихи ва маданиятини чуқурроқ англашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ферузбек РАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Касаба уюшмаси аралашгач...

КОНЧИНИНГ ОЛОЛМАГАН ПУЛЛАРИ ТЎЛАБ БЕРИЛДИ

чаланиши оқибатида II гуруҳ ногирони бўлиб қолган Р.Алмардоновга корхона томонидан 2006 йилдан буён тоvon пули тўлаб келинган. Аммо иш берувчи томонидан собиқ ходимга 21,2 миллион сўм тоvon пули, 2022 йил даволашини учун харид қилинган қарийб 5 миллион сўм дори-дармон тўловлари, Республика касб касалликлари клиникасига ҳар йили даволаниш учун бориб келиш йўл чипталаридан 2 миллион 650 минг сўм маблағ ўз вақтида тўланмаган.

Шунга қўра, мавжуд қарздорлик ҳолати юзасидан корхона раҳбари У.Ҳасановга тақдимнома киритилди. Пировардида 2026 йил 16 июнда Равшан Алмардоновга жами 29 миллион сўмга яқин маблағ корхона томонидан тўлиқ қошлаб берилди.

Эркин МЕНГЛИЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори

Тадбир

ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши «Ёшлар ўртасида киберхавфсизлик ва кибержиноятларнинг олдини олиш» мавзусида семинар ҳамда «Касаба уюшмаси ёшлар кўбоги» киберспорт мусобақасини ташкил этди.

Ёш ходимлар ўртасида ахборот хавфсизлиги маданиятини юксалтириш, кибержиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларни замонавий рақамли технологиялардан оқилона фойдаланишга йўналтиришни мақсад қилган тадбирнинг назарий қисмида Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси Кибержиноятларга қарши курашиш бошқармаси масъул ходими қатнашди. У интернет тармоғида учраётган фирибгарлик ҳолатлари, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, ижтимоий тармоқлардан хавфсиз фойдаланиш ҳамда кибержиноятларнинг олдини олиш бўйича атрофлича тушунчалар берди.

Семинарда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиб, ахборот хавфсизлиги соҳасидаги билим ва қўникмаларини янада мустаҳкамладилар. Интерактив мулоқот шаклида ўтказилиб, ёшлар томонидан билдирилган фикр ва тақлифлар алоҳида эътибор билан тингланган тадбирнинг амалий қисми

сифатида Бухоро шаҳридаги «DE NUKЕ» компьютер марказида ёш ишчи-ходимлар ўртасида жамоавий тарзда Counter-Strike киберспорт мусобақаси ўтказилди.

Қизгин ва муросасиз кечган беллашувларда қатнашчилар жамоавий ҳамжиҳатлик, тезкор фикрлаш, стратегик қарор қабул қилиш ва ўзаро ҳамкорлик қўникмаларини намоён этдилар.

Мусобақа якунида ғолиблар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Шунингдек, мусобақада энг юқори натижага эришган жамоага Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши томонидан таъсис этилган «Касаба уюшмаси ёшлар кўбоги» тантанали равишда топширилди.

Достонбек ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Фаолият

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан яқин ҳамкорликда Қорақалпоғистонда ишчи-ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб Кегейли туманида соҳадаги корхоналарда касаба уюшмасининг худудий бошланғич ташкилотларини ташкил этишга киришилган эди.

Ўтган даврда ишчи гуруҳ томонидан «Абат», «Ақтуба», «Жанабазар», «Қумшунгул», «Жалпақ жап», «Жузимбағ» ва «Ййшан қала» овул фуқаролар ййгинларида маҳалла раислари, фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ҳамда уларда меҳнат қилаётган ходимлар иштирокида учрашув ва очиқ мулоқотлар ўтказилди. Тадбирларда касаба уюшмасининг асосий вазифалари, ҳуқуқий имкониятлари ва фаолият йўналишлари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Таъкидлаш жоизки, касаба уюшмаси бошланғич ташкилотининг асосий вазифаси меҳнат муносабатларини қонунчилик асосида тартибга солиш, томонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда улар ўртасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлашдан иборатдир. Айниқса, Жамоа шартномасида иш берувчи ва ходимларнинг ўзаро ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, ижтимоий кафолатлар, меҳнат муносабатларига оид барча масалалар аниқ белгилаб қўйилади. Касаба уюшмаси эса мазкур шартномада белгиланган мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади. Шу маънода, у ишчи ва иш берувчи ўртасидаги ишончли кўприк вазифасини бажаради.

Ходимлар учун хавфсиз ва муносиб меҳнат шaroитлари яратиш касаба уюшмасининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Жамоа шартномаси орқали уларнинг меҳнат таътили-

дан ўз вақтида фойдаланиши, дам олиш кунларининг белгиланган тартибда берилиши, иш ҳақи ҳамда қўшимча тўловларнинг белгиланган муддатларда тўланиши кафолатланади.

Бундан ташқари, меҳнат жараёнида ходимнинг соғлиғига зарар етказилган ёки бахтсиз ҳодиса содир бўлган тақдирда, унинг оғирлик даражасидан келиб чиқиб тегишли компенсация тўланиши ҳам Жамоа шартномасида назарда тутилади.

Олиб борилган тизимли ишлар натижасида бутунги кунда Кегейли туманидаги еттига худудда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Кегейли тумани кенгашининг бошланғич ташкилотлари фаолият бошлади. Улар таркибига 334 та фермер ва деҳқон хўжалиги бирлаштирилиб, 1435 нафар ишчи-ходим аъзоликка қабул қилинди. Барча томонлар ўртасида Жамоа шартномалари тузулиб, белгиланган тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Энг муҳими, мазкур ишлар меҳнат муносабатларини ҳуқуқий асосда мустаҳкамлаш, ишчи ва иш берувчи ўртасида ўзаро ишонч муҳитини қарор топтириш ҳамда юзлаб фермер, деҳқон ва ишчи-ходимларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Пўлат АДILЧАЕВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Кегейли тумани кенгаши раиси

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгашига Сариосиё тумани «Жаннатмакон» маҳалласида яшовчи фуқаро Равшан Алмардонов йўллаган мурожаат мавжуд хужжатлар асосида ва ваколат доирасида атрофлича ўрганилди. Аризачи ўз шиоиятида иш берувчи томонидан тоvon пули, дори-дармон харажатлари ҳамда йўл ҳақи тўловлари тўлиқ тўлаб берилмаганини баён этган эди.

Аниқланишича, Сариосиё 1-алоҳида харбийлаштирилган кон қутқарув взводи корхонаси респираторчиси лавозимида ишлаб, 2005 йил касб касаллигига

Наманган вилояти Фавқулodда вазиятлар бошқармаси ҳамда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг Наманган вилояти кенгаши ҳамкорлигида «Гендер тенглиги аудити» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

БАРЧА УЧУН ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Тадбирда меҳнат муносабатларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг имкониятларни таъминлаш, ходимларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, гендер аудитини ўтказиш тартиби ҳамда бу борадаги амалдаги қонунчилик талаблари ҳақида атрофлича маълумот берилди. Мутахассислар ўз маърузаларида меҳнат жамоаларида гендер тенглиги тамойилларини самарали жорий этиш, ҳар қандай камситиш ҳолатларининг олдини олиш, соғлом психологик муҳитни шакллантириш ва очиқ мулоқот маданиятини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

– Семинарда гендер тенглиги ҳамда меҳнат муносабатларида ходимлар ҳуқуқларини таъминлашга оид қимматли маълумотларга эга

Зафарбек ЖЎРАЕВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти кенгаши раиси

Доимий меҳнат санъатнинг ҳам, ҳаётнинг ҳам қонунидир.

Оноре де Бальзак

Рухият манзиллари

инсониятнинг энг қудратли кучи

Инсон қалби меҳр билан яшайди. Бугун эса одамларнинг қўлида энг замонавий телефон бор, у юзлаб кишилар билан виртуал мулоқотда бўлади, лекин ён қўшнисининг дарди-дан бехабар.

Ҳа, меҳр-оқибатнинг сусайиши замонавий жамиятнинг энг долзарб ижтимоий-руҳий муаммоларидан бирига айланмоқда. Буни оилавий муносабатларда ҳам кўриш мумкин. Кейинги йилларда акримлар кам-маймапти. Расмий статистикада фақат юридик акримлар акс этади, амалда бир том остида яшаб, қалбан бир-бирдан узоқлашган ёки йил-лар давомида алоҳида ҳаёт кечираётган оилалар ҳам оз эмас. Бундай муҳитда улғайган фарзандлар меҳр ва эътибор танқислигини ҳис этиши табиий.

Қариндошлик туйғулари сўниб, қўшничлик қадри пасайиб, инсонлар бир-бирининг дардига бефарқ бўлиб қолса, энг замонавий шаҳарлар ҳам уларга бахт улаша олмайди. Афсуски, бугун кекса ота-онасидан ойлаб хабар олмайдиган фарзандлар кўп. Бир хонадонда яшаб, бир-бирининг кўнглига йўл тополмайдиган оилалар бор. Ёлғизликдан азоб чекаётган қариялар, меҳрга муҳтож болалар, бир

оғиз ширин сўзга зор бўлганлар сафи кўпайиб бораётгани эса жамият учун жиддий оғохлан-тиришдир. Зеро, меҳр – инсониятнинг энг қадимий ва энг қудратли кучи. Унинг ўрнини сунъий интеллект, энг замонавий технология ёки моддий бойлик ҳам боса олмайди.

– Меҳр танқислиги тараққийлашган замонамизнинг энг катта муаммосига айланмоқда, – дейди психолог Жалолиддин Фахриддинов. – Бугун иқтисодиёт ҳақида кўп гапирамиз, рақамлаштириш, инвестиция, инновация, экспорт, технологиялар ҳақида мунтазам фикр юритамиз. Бу, албатта, тараққиёт учун зарур. Аммо жамиятнинг маънавий «иктисодиёти» ҳақида-чи? Оддий бир мисол, йил сайин акримлар кўпаймоқда. Кейинги беш йилга назар солсангиз, уларнинг ўртача кўрсаткичи 20 мингдан камайгани йўқ. Статистикада дардига бефарқ бўлиб қолса, энг замонавий шаҳарлар ҳам уларга бахт улаша олмайди. Афсуски, бугун кекса ота-онасидан ойлаб хабар олмайдиган фарзандлар кўп. Бир хонадонда яшаб, бир-бирининг кўнглига йўл тополмайдиган оилалар бор. Ёлғизликдан азоб чекаётган қариялар, меҳрга муҳтож болалар, бир

сиз тарбияланган бола эртага жамиятга меҳр улаша олармикан?.. Қариндошлик ришталари сусайса, қўшничлик қадри йўқолса, инсонлар бир-бирининг дардига бефарқ бўлиб қолса, бундан ёмони бўлиши мумкинми?

Қолаверса, меҳр-оқибатнинг қадри фақат оиладагина эмас, маҳалла ва жамият ҳаётида ҳам намоён бўлиши керак. Қўшничлик, қариндошлик алоқалари барқарор бўлган юртда инсон ўзини ҳеч қачон ёлғиз ҳис қилмайди. Бироқ ҳаёт суръатининг тезлашуви, виртуал мулоқотнинг реал муносабатлар ўрнини эгаллаши одамларни бир-биридан аста-секин узоклаштирмоқда.

Ҳолбуки, меҳр инсон учун оддий ҳис-туйғу эмас, ҳаёт эҳтиёжидир. Илмий кузатишлар ҳам инсонга кўрсатилган эътибор ва самимий муносабат унинг руҳий ҳолатига ижобий таъсир қилишини тасдиқлайди. Демак, баъзан бир самимий қучоқ, бир оғиз далда ёки холис ҳол-аҳвол сўраш инсонга энг қимматбаҳо совгадан ҳам кўпроқ куч бағишлаши мумкин. Чунки, инсон қалби фақат меҳр билан илйиди, ишонч билан мустаҳкамланади.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

«Эрталаб бекатга келсам, эшиги қулф экан. Ташқарида, иссиқда «маза» қилдим...». Ҳар куни Дўстлик туманидан вилоят марказига қатнайдиган ҳамкасбим сўзлаб берган бу воқеа каминани қўлга қалам олишга ундади. Зеро, бекатлар борасидаги вазият Жиззах шаҳрида ҳам ҳавас қилгудек эмас.

Вазиятни аниқ маълумотлар асосида ўрганиш мақсадида шаҳардаги ўндан ортиқ бекатни бирма-бир кўздан кечирдим. Кузатувлар аксарият манзилларда йўловчилар манфаатлари очиқчасига эътиборсиз қолдирилаётганини кўрсатди. Масалан, Шароф Рашидов кўчасида жойлашган «Вали бобо» бекатининг тўртдан уч қисми савдо дўконларидан иборат. Ваҳоланки, амалдаги қонунчиликка кўра, бекат майдонининг кўпи билан 30 фойзадан тadbиркорлик мақсадларида фойдаланишга рухсат этилади, қолган 70 фойзи эса бевосита йўловчиларга хизмат қилиши шарт. «Вали бобо»да эса атиги 10-12 кишилик ўриндиқлар одамлар ихтиёрида, холос.

Тўғри, ушбу бекатда йўловчилар учун мўлжалланган махсус ойнаванд хона бор, лекин у қулфланган. Ичкарида пол артгич, супурги ва сунъий гуллар сақланмоқда. Tadbиркорнинг мантиғи оддий бўлса керак: хонага йўловчилар киргандан кўра, у омбор бўлгани тинчроқ, ҳартугул, деворга чизилмайди, ичкари ифлосланмайди. Афсуски, бу каби манзара шаҳардаги деярли барча хусусий дўкон-бекатларда «хукмрон».

Шунингдек, бутунлай дўконга айлантирилган бекатлар ҳам талайгина. Мустақиллик кўчасидаги «Медуза маркет» ва «Тошлоқ» маҳалласидаги «Зумрад маркет» шулар жумласидан. Мазкур савдо шохобчалари қаршисидаги автобуслар кириб-чиқишига мўлжалланган махсус «чўнтак»ларгина бу ерлар қачонлардир бекат бўлганини билдиради.

«Наврўз» маҳалласи ҳудудидан ўтувчи Шароф Рашидов кўчасидаги автобус тўхташ жойида эса на бекат, на транспорт кирадиган «чўнтак» ва на «Автобус тўхташ жойи» (5.12) йўл белгиси бор. Камига йўл шу қадар торки, жамоат транспорти бир оз нотўғри тўхтаса, йўл чеккасидаги чим босилади ёки йўловчилар эҳтиётсизлик оқибатида бетон ариққа йиқилиши ҳеч гап эмас. Худди шундай манзарани Жиззах шаҳар ҳокимлиги ҳамда «Эски шаҳар буюм бозори» яқинида ҳам кузатиш мумкин.

Албатта, бу билан шаҳардаги барча бекатлар талабга жавоб бермайди, демокчи эмасмиз. Кейинги йилларда бир қатор замонавий бекат-

Ажабо!

ЭЛЕКТР ТОКИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНМАГАН БОЗОР



миз. Ижара шартномамиз бор, бундан ташқари, дўкон эгасига ойига 150 АҚШ доллари миқдориди ижара ҳақи тўлаймиз. Солиқ ва бошқа тўловлар ҳам бор. Электр таъминоти масаласида бозорқўмга, ҳатто вилоят электр таъминоти бошқармасигача мурожаат қилганмиз. Афсуски, муаммо ханузгача тўлиқ ҳал этилгани йўқ.

Бошқа тadbиркорлар билан суҳбатлашганимизда ҳам худди шу ҳолат тасдиғини топди.

– Бозор таҳминан 7-8 йил аввал қурилган, – дейди яна бир тadbиркор. – Ўша пайтлар мажмуани электр энергияси билан таъминлаш бўйича катта қарздорлик юзага келгани ва уни тadbиркорлар тўлаб берса, доимий электр таъминоти йўлга қўйилиши ҳақида гапириб келишади. Лекин биз бу ерда бозор қурилиши тугаллангандан кейин иш бошлаганмиз. Шундай экан, нима учун аввалги қарзларни тўлашимиз керак? Қишда дўкон совуқ бўлган учун харидорлар кийимларни кийиб кўришда қийналишди, ёзда эса аксинча, ҳаво жуда исиб кетади. Генератор қуввати кўпи билан битта вентиляторни ишлатишга етади, кондиционерни эса ишлатиб бўлмайди.

Биз масалага ойдинлик киритиш мақсадида «Энергия савдо»нинг Оққўрғон тумани бўлими раҳбари Собир Ҳусанов билан суҳбатлашдик. Унинг айтишича, Оққўрғон тумани электр таъминоти қорхонаси ҳамда «Оққўрғон бозорсавдо» МЧЖ ўртасида 2026 йил январь ойида шартнома тузилган. Жорий йилнинг июнь ойи маълумотига кўра бозорнинг 470 миллион сўмдан ортиқ қарздорлиги мавжуд. Шундан 107 миллион сўми пеня, қолган қисми эса истеъмол қилинган электр энергияси учун тўланмаган маблағ ҳисобланади. Охириги тўлов март-апрель ойларида амалга оширилган бўлиб, 400 минг сўмни ташкил этган. Шунингдек, ҳар бир тadbиркор билан алоҳида шартнома тузилмаган. Сабаби, кадастр хужжатлари фақат «Оққўрғон бозорсавдо» МЧЖ номига расмийлаштирилган. Утган йили бозор 239 миллион сўмлик электр энергияси истеъмол қилган, аммо атиги 170 миллион сўм тўлаган. Шу боис электр таъминоти вақти-вақти билан узиб қўйилади.

Тadbиркорлар эса электр энергияси амалда умуман йўқлигини таъкидлаш-

моқда. Масъулнинг фикрича, муаммонинг асосий сабаби айнан қарздорлиқдир. Шунинг учун бозор қарийб уч ойдан буён электр тармоғидан узилган.

Биз «Оққўрғон бозорсавдо» МЧЖ раҳбарининг ҳам фикрини эшитмоқчи бўлдик. Бироқ ишдан бўшагани боис буюм бозорига туташ ҳудудда фаолият юритаётган «Оққўрғон деҳқон бозори» МЧЖ раҳбари билан учрашдик.

– «Оққўрғон бозорсавдо» МЧЖга яқин кунларда янги раҳбар тайинланиши кутилмоқда, – деди у. – Буюм бозорининг электр энергиясидан қарзи борлиги ва тахминан 5-6 ойдан буён тармоқдан узилгани ҳақида эшитганман. Мен фақат деҳқон бозори фаолияти юзасидан маълумот бера оламан. Унга раҳбар бўлганимга саккиз ой бўлди. Ўша вақтда бозорнинг электр энергиясидан қарздорлиги 300 миллион сўм атрофида эди. Бутунга келиб, қарздорлик тўлиқ бартараф этилди. Чунки озиқ-овқат маҳсулотлари сотиладиган бозорларда электр таъминоти узилиши маҳсулотларнинг тез бузилишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун тadbиркорлар тўловларни ўз вақтида амалга оширишга ҳаракат қилишди.

Биз масъулларга айрим тadbиркорлар тилга олган, бозор қурилиши даврида шакллангани айтилган қарздорлик ҳақида ҳам саволлар бердик. Бироқ бу масала юзасидан аниқ жавоб олишнинг имкони бўлмади. Агар муаммо фақат жорий қарздорлик билан боғлиқ бўлса, нега тadbиркорлар «фақат ўзимиз фойдаланган электр энергияси учун ҳақ тўлаймиз, аввалги қарзлар учун жавобгар эмасмиз», дея ташкиллашмоқда?

Яна бир муҳим савол туғилади: *бозор ҳудудида юзлаб тadbиркорлар фаолият юрutiб, ҳар бири электр энергиясидан турлича ҳажмда фойдаланаётган бўлса, нима учун шартномалар улар билан эмас, балки бозор маъмурияти билан тузилган?*

Умуман олганда, қарздорлик билан боғлиқ муаммолар нега шунча йиллар давомида бартараф этилмади? Бизнингча, ушбу саволга аниқ ва асосли жавоб берилмагунча ҳамда кўп йиллик можоро ижобий ечим топмагунча тadbиркорлар генераторлар шовқини остида, қоронғи дўконларда фаолият юрutiшида давом этаверadi.

Нигора РАҲИМЖОНОВА

3

Долзарб мавзу

БЕКАТЛАР «ИШҒОЛ» ҚИЛИНГАН

Жиззахда жамоат транспорти муаммолари қачон ҳал бўлади?

лар қурилди. Бироқ уларда ҳам йўналишлар рўйхати, ҳаракат жадвали ёки автобусларнинг келиш вақтини кўрсатувчи таблолар мавжуд эмас. Йўловчилар учун бепул Wi-Fi тармоғи, телефонни қувватлаш ускуналари, иситиш ва совитиш тизимлари ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Бекатларнинг аксариятида имконияти чекланган шахслар учун пандуслар ва оддий чиқинди қутилари ҳам кўзга ташланмайди.

Жорий меъёрларга кўра, бекатлар енгил конструкцияли материаллардан қурилиши лозим. Аммо тadbиркорларга берилган 75 та бекатнинг аксарияти пишиқ гишдан тикланган ҳашаматли кўрғонни эслатади. Уларнинг номланишида ҳам ягона тизим ва уйғунлик йўқ. Бундай турли кўринишдаги бинолар шаҳарнинг меъморий қиёфасига жиддий путур етказмоқда. Келажакда пойтахтдаги каби Жиззахда ҳам бекатларни қонун талабларига мослаш чоралари бошланганда, «тadbиркорлар ҳуқуқи топтал-япти» мазмунидаги эътирозлар янграмаслигига ким кафолат беради?

Маълумки, марказий ва магистрал кўчаларда йўл ёқасидаги 40-80 метр, ички кўчаларда эса 25-40 метр кенгликдаги ҳудуд «қизил чизик» ҳисобланади. Бу майдонларни хусусийлаштириш мумкин эмас, улар фақат ижарага берилиши мумкин. Бундан кўзланган асосий мақсад келажакда йўлларни кенгайтириш, пиёдалар йўлаклари ва коммуникация тармоқларини қуриш эҳтиёжлари билан боғлиқ. Агар бекатлар енгил конструкциядан барпо этилса, зарурат туғилганда уларни кўчириш катта иқтисодий зарар келтирмайди.

Муносиб шароитлар ва махсус «чўнтак»ларнинг йўқлиги нафақат йўловчиларга, балки ҳайдовчиларга ҳам катта қийинчилик туғдиarmoқда. Икки қаторли йўлнинг ўзида тўхташга мажбур бўлаётган автобуслар ҳаракатни чеклаб, тирбандликка ва ҳайдовчилар ўртасида келиш-мовчиликларга сабаб бўляпти. Бундан ташқари, шаҳардаги бекат мавжуд бўлган ва ҳали қурил-

маган 217 та манзилда «Автобус тўхташ жойи» (5.12) йўл белгиси ўрнатилмаган. Натижада ЙПХ ходимлари автобусларни «белгиланмаган жойда тўхтади» деган важ билан жаримага тортмоқда. Маълумотларга кўра, ушбу белгиларни ўрнатиш бўйича мутасаддиларга қилинган мурожаатлар узоқ вақтдан бери эътиборсиз қолдириб келиняпти.

Ҳўлоса ўрнида айтганда, юқорида тилга олинган тизимли муаммолар вилоят марказида жамоат транспорти хизмати сифатига жиддий соя солмоқда. Бекатларни қуриш, реконструкция қилиш, молиялаштириш ва улардан фойдаланиш тартибига риоя этилишини назорат қилиши лозим бўлган Жиззах шаҳар ҳокимлигидан ушбу масалалар юзасидан амалий муносабат кутиб қоламиз.

Эҳтимол, муштарийда «Нега муаллиф бу саволлар билан тўғридан-тўғри масъулларга юзланмади?» деган ҳақли савол туғилиши табиий. Тўғриси, бу борадаги ҳаракатларимиз самара бермади, яъни мақолани тайёрлаш жараёнида биз боғланган учта мутасадди ташкилот вакилларида жўяли ва аниқ жавоб ололмадик. Шу боис, ушбу долзарб мавзунини жамоатчилик эътиборига очиқ савол сифатида ҳавола этишни лозим топдик.

Алижон АБДУСАТТОРОВ
«ISHONCH»

Оғриқ тишлар

Фарғона вилоятининг Бағдод тумани аҳолиси учун электр энергиясидаги узилишлар бугун ёки кеча пайдо бўлиб қолган янгилик эмас. Бу оғриқли масала фасл танламайди, яъни хох изгиринли қиш бўлсин, хох жазирама ёз, чироқнинг тез-тез ўчиши одамларнинг кундалик ҳаёти ва турмуш тарзига жиддий равишда салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Таҳририятга ҳамда ижтимоий тармоқларга тинимсиз келиб тушаётган мурожаатлар ҳам фуқароларнинг электр энергияси таъминотидаги беқарорлик ва сурункали узилишлардан жуда чарчагани ва норози эканини кўрсатиб турибди.

ҚИШИН-ЁЗИН БИР ХИЛ МУАММО

Ваҳоланки, сўнгги йилларда мамлакатимизда электр энергетикаси соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, мавжуд инфраструкцияни модернизациялаш, янги қувватларни ишга тушириш ҳамда тармоқда бозор таъминоти билан кенг жорий этиш бўйича қатор тизимли чора-тadbирлар амалга оширилди. Истеъмолчилар учун олдиндан тўлов тизими йўлга қўйилди, тарифлар такомиллаштирилиб, ижтимоий меъёр асосида табақалаштирилган ҳисоб-китоб механизми ҳаётга татбиқ этилди.

Бироқ ушбу ўзгаришлар кўп қаватли уйда яшовчи фуқаро эса уй жиҳозлари қуйиб кетаётганидан нолийди: «Кунига 4-5 марталаб чироқ ўчади. Манший техникаларимиз қуйиб, ишдан чиқяпти. Бунга ким жавоб беради?».

Бошқа маҳаллалардан келаётган саволлар ҳам деярли бир хил мазмунда: «Жар қишлоқда свет ёнадимиз ўзи ёки йўқ?», «Тонготарда қачон чироқ бўлади?», «Шамол тўхтади-ку, Ултармада нега ҳалиям свет йўқ?». Аҳолининг хафсаласи пир бўлгани «Қирқволида» маҳалласидан ёзилган ушбу мурожа-

атда яққол сезилади: «Қирқволидада қачон чироқ ёнади? Ёзда аҳвол шу бўлса, куз ва қишга дивож (генератор), шам ва лампаларни тайёрлаб қўямиз шекилли. Электрчиларга умуман ишонч қолмаяпти. Олдиндан пулини олиб ҳам чорасини кўришмаса, бу нима деган гап?!...».

Ҳатто вазиятни аччиқ ҳажв орқали ифодалаганлар ҳам бор: «Бағдодда лайлак учиб ўтса ҳам свет ўчади...».

Электр тармоқларида техникавий авариялар ёки режали профилактика ишлари олиб борилиши табиий ҳол. Бироқ аҳоли йил ўн икки ой давомида узлуксиз равишда бир хил муаммога дуч келаётган экан, демак, бу вақтинчалик носозлик эмас, балки муаммолар тизимли тус олгани ва инфратузилма эскирганидан далолатдир.

Бағдод туманида электр таъминоти билан боғлиқ сурункали муаммоларни бартараф этиш учун қандай амалий чора-тadbирлар қўрилимоқда? Қишин-ёзин давом этаётган бу муаммо қачон бартараф этилади?

Жамшид ЭРТАШЕВ
«ISHONCH»

